



ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ХУҚУҚБУЗАРЛИГИНИНГ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ

Адилов Бахрам Қахрамонович

ИИБ Академияси Жиноятчиликка қарши курашиш
фаолияти факультети бошлиғи в.б.

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8426061>

ARTICLE INFO

Received: 05th Oktober 2023

Accepted: 09th Oktober 2023

Online: 10th Oktober 2023

KEY WORDS

Ёшлар, вояга етмаганлар, ҳуқуқбузарлик, жамият, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар, ҳуқуқбузарлик, жиноят, тажовуз, ножўя ҳаракат, интизомни бузиш, сабаб ва шароит, оммавий маданият, ҳуқуқбузарликка мойил шахс, профилактика, ҳуқуқий маданият, давлат дастури, норматив-ҳуқуқий ҳужжат, қонун, ҳуқуқ, кодекс.

ABSTRACT

Мазкур мақолада вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги тушунчаси, турлари, уни келтириб чиқарувчи омиллар, вояга етмаганлар ўртасида содир этиладиган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларини индивидуал олдини олишнинг ўзига хос хусусиятлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифаси, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигини олдини олишнинг хориж тажрибаси, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, шунингдек, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олишда педагогик профилактика тизимини такомиллаштириш масалалари кенг ёритилган.

Сўнгги йилларда дунёнинг кўпгина мамлакатларида вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар сони ортиб бормоқда. Дунёда юз бераётган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, мафкуравий ўзгаришлар, жамиятнинг маънавий ва ахлоқий ҳаётидаги янгиликлар ҳам бунга ўз таъсирини ўтказмоқда.

Давлатимиз мустақилликка эришган вақтдан бошлаб бугунга қадар барча жабҳаларда турли ислохотлар амалга оширилди ва бу ислохотлар бевосита қонунчиликда ўз аксини топмоқда. Жумладан, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари профилактикасига оид ҳам бир қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сирасига Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрда қабул қилинган “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида” ги, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида” ги ва Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида” ги, 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлари органлари тўғрисида” ги Қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сонли “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини



янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларини киритишимиз мумкин [1].

Мустақиллик йилларида республикада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ижобий натижаларга ҳамда криминоген вазиятни сезиларли даражада яхшилашга эришилди.

Шу билан бирга, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи давлат органларининг иш шакли ва услублари, энг аввало ахборот-коммуникация технологияларидан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги сабабли ҳозирги кун талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Давлат идоралари аксарият ҳолларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси сифатида баҳолаб, оқибатда ушбу фаолиятга лозим даражада эътибор қаратмаяпти [2].

Фуқаролик жамияти ривожланиб борган сари, асрлар давомида ўз даврининг мутафаккир олимлари томонидан илгари сурилган қатор фикрлар давлатларнинг миллий ҳуқуқ тизимида ва ундан кейин турли халқаро конвенциялар ва пактларда ҳуқуқий қадрият сифатида ўз ифодасини топмоқда. Ҳар бир инсон ўзи истиқомат қилаётган жойда тинч ва осойишта яшаши учун шарт-шароит яратиш, унинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини, хусусан, ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкни ҳуқуқбузарларнинг ғайриқонуний тажовузларидан ҳимоя қилинишига эришиш ана шундай ҳуқуқий қадриятлардан бири ҳисобланади [3].

Ҳуқуқбузарликнинг вужудга келишига эътибор қаратадиган бўлсак, у давлат ва ҳуқуқ институтлари пайдо бўлган даврда вужудга келган. Шуниси эътиборлики, ҳуқуқбузарлик кўлами муайян бир макон ва замонда ўзи учун яратилган “шарт-шароитларга” боғлиқ равишда ҳар хил даражада яъни у паст ёки юқорида даражада намоён бўлади. Шунинг учун, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва унга қарши курашиш тарихда ҳар бир давлатнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб келган.

Биз аввало, “ҳуқуқбузарлик” тушунчасига тўхталадиган бўлсак, олимларимиз томонидан ушбу тушунчанинг мазмуни бўйича қатор мунозарали ёндашувлар, фикрлар илгари сурилган.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси йўналишида тадқиқотлар ўтказган олимлар И.Исмаилов ва М.З.Зиёдуллаевларнинг фикрича ҳуқуқбузарлик деганда, маъмурий жавобгарлик назарда тутилган, айбли, ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) тушунилади [4].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонунида “ҳуқуқбузарлик — содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайриҳуқуқий қилмиш [5;3-моддаси] (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)” деб белгилаб берилган.

Бизнинг фикримизча, **ҳуқуқбузарлик**– бу, **ҳуқуқ** ва **муомала** лаёқатига эга **субъект** томонидан содир этиладиган, ҳуқуқ нормалари талабларига зид бўлган ҳамда шахсга, мулкка, давлатга ва жамиятга **зарар** келтирувчи ижтимоий хавfli қилмишдир (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) . Ўз хусусиятига кўра, ҳуқуқбузарлик жиноят, ножўя ҳаракат, интизомни бузиш шаклида бўлади.



Айрим юридик адабиётлар ҳуқуқбузарлик “қонунбузарлик” сўзи билан бир хилда ишлатилади. Ҳуқуқбузарликларнинг турлари ҳар хил бўлиб, булар *фуқаровий ҳуқуқбузарлик* (бирор бир шахсга, фуқаро ёки ташкилотнинг мулкига зарар етказиш), *маъмурий ҳуқуқбузарлик* (йўл ҳаракати қонидасини бузиш, жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилиш, майда безорилик ва ҳ.к.), *интизомий ҳуқуқбузарлик* (ножўя ҳаракат, ишга ёки хизматга келмаслик, ишга кеч қолиш ва ҳ.к.) ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда (фактик асоси) - қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади [6].

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексига кўра, вояга етмаганлар – бу ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар ҳисобланади.

Вояга етмаганлар орасида содир этилаётган қонунбузарликлар ўзининг моҳияти, содир этилиш усули, вақти, жойи, мотиви ва бошқа белгиларига кўра катта ёшдагилар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлардан фарқ қилади.

Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги профилактикаси, умуман олганда, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш тушунчасига тўхталиб ўтадиган бўлсак, *ҳуқуқбузарликлар профилактикаси* – бу, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларни барвақт олдини олиш ва уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, уларни бартараф этиш мақсадида ўтказиладиган умумий, яқка тартибдаги, виктимологик ва махсус профилактикасининг ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий ва бошқа чора-тадбирлари тизимидир.

Маълумки, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифаси бу, жамиятда қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгини юксалтириш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ҳамда уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ва ўз вақтида бартараф этиш чора-тадбирларини кўришдан иборат. Шунингдек, турли давлатларда мазкур проифлектик чораларни ташкил этиш кўламадан келиб чиққан ҳолда ушбу вазифалар янада кенгайтирилган.

Профилактика шахс ривожланишига салбий таъсир қилувчи ташқи сабаб, омиллар, шарт-шароитларни ўрганиш, ҳисобга олиш ва шу аснода уларнинг келиб чиқишига йўл қўймасликка қаратилган, олдиндан содир этилиши мумкин бўлган хатоларнинг келиб чиқишига тўсқинлик қиладиган тадбирлар тизимидир [7].

Олимлар ва соҳа мутахассислари томонидан вояга етмаганлар ўртасида содир этиладиган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларини индивидуал олдини олишнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганиб чиқилган. Жумладан,

Э.Эшмуродов фикрича бундай хусусиятлар қуйидагилардан иборат: 1) вояга етмаган шахс психологияси билан боғлиқ хусусиятлар; 2) вояга етмаган ўсиб улғаяётган муҳит билан боғлиқ хусусиятлар; 3) вояга етмаган шахсга таъсир қилувчи кучларнинг мақсади билан боғлиқ хусусиятлар; 4) вояга етмаганлар жиноятларининг олдини олиш субъектлари фаолияти билан боғлиқ хусусиятлар [8].



Амалиётни ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, айнан вояга етмаганлар ҳам ижобий, ҳам салбий таъсирларга тез, осон берилувчан бўлишади. Уларнинг ёшида тенгқурлари ўртасида ўзини кўрсатгиси, қобилятини намоён этгиси келади. Агар мактабда, оилада бунга имкон тополмаса, қулай шароитни кўча-кўйдан излашади. Қарабсизки, жиноий гуруҳларга қўшилиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас [9].

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг проифилактикасини ташкил этиш бўйича хориж тажрибаси ўрганилганда АҚШ, Германия, Буюк Британия каби давлатларда ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича ўтказиладиган профилактик чора тадбирлар фақат кенг қамровли фаолият йўналиши сифатида ташкил этилган тақдирдагина ўз самарасини бериши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Бу эса, мазкур жараёнда барча даражадаги давлат ва нодавлат тузилмалар ҳамда фуқароларнинг кенг кўламдаги иштирокини талаб этади. Айни пайтда ушбу заруратни тушуниб етган ҳолда мазкур давлатлар аҳолиси ҳам ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда онгли равишда иштирок этиш истагини билдирдилар [10].

Чет давлатларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш ва уни ташкил этиш махсус дастурлар орқали амалга ошириладиганлиги аниқланган. Мазкур жараёнда фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар эмас, балки дастурларнинг ижроси, асосан, фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги ва фуқаролик бурчини адо этиш асосида амалга оширилмоқда.

Хусусан, АҚШ ва Европа давлатларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда “Жиноятчиликни тўхтатувчилар” (crime stoppers), “Қўшнилар назорати” (neighborhood watch), “Синдирилган ойналар” (broken windows) каби дастурлардан фойдаланиб келинмоқда.

Вояга етмаганлар қонунбузарлигини олдини олишда ва унга қарши курашишда ушбу давлатларда ўсмирлар ва болалар учун мўлжалланган ёки жиноятчилик даражаси нисбатан юқори ҳудудларга татбиқ этиладиган “Хавфсиз шаҳар” (“Safety City”) каби дастурлар самарали татбиқ этилмоқда.

Юқорида кўрсатиб ўтилган давлатлар илғор тажрибасини оммалаштирган ҳолда, бугунги кунга келиб ҳуқуқбузарликларни олдини олишни амалга оширишга қаратилган қатор чора-тадбирларни амалга оширишга киришилмоқда, жамоатчилик ҳамда давлат органларининг бу борадаги ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва йўналтириш учун махсус қонунлар, давлат дастурлари қабул қилинди.

Юртимиз олимлари томонидан тадқиқот доирасида ҳамда ўқувчилар ҳуқуқбузарликлари ва жиноятчилигининг профилактикасини ўрганиш, ечимини топиш ва бу борада тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида “Ўқувчилар ҳуқуқбузарликлари ва жиноятчилигининг профилактикаси” номли махсус Дастур ишлаб чиқилди [11].

Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, улар орасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш, бу борада педагогик профилактика тизимини такомиллаштириш, ҳуқуқий таълимни яратиш ва уни ёш авлодга ўқитиш ҳамда ўрганиш бўйича оптимал назарий, илмий ва услубий асосларни ишлаб чиқиш эҳтиёжи мавжуд [12;Б-94].



Мазкур дастур Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани, Бахт шахридаги Республика ўғил болалар ўқув-тарбия муассасасида апробациядан ўтказилган. Вояга етмаган ёшлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчиларни тарбиялашнинг ижтимоий-педагогик технологияларини апробациядан ўтказиш мақсадида Вояга етмаган ёшлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликни келиб чиқиш сабаб ва шароитларини аниқлаш, келгусида бу турдаги ҳуқуқбузарликларини башорат (прогноз) қилиш ва олдини олиш мақсадида ушбу махсус муассасада таҳсил олаётган 141 нафар ўқувчилар ўртасида сўровномалар ўтказилган. Сўровнома таҳлиллари натижаларига кўра, ўқувчиларнинг жиноят содир этишига асосий сабаблари қуйидагича:

- оиладаги иқтисодий танглик;
- ижтимоий-криминал алоқалар;
- спиртли ичимликлар, гиёҳванд моддалар истеъмол қилиши;
- вояга етмаганлар вақтни тўғри тақсимлай олмаслиги;
- ҳаётдан умидсиз бўлиш;
- ота-оналар томонидан кам эътибор берилиши;
- уларга ота-оналарнинг меҳрибонлиги етишмаслиги;
- ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий маданиятнинг шаклланганлик даражаси пастлиги;
- ҳуқуқбузарликка мойил вояга етмаган ўқувчиларнинг шахсида ахлоқий таназзул юз берганлиги.

Ўтказилган таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, вояга етмаганлар орасида қонунбузарликларни олдини олиш ва улар хулқидаги камчиликларни бартараф этишда махсус усуллардан фойдаланиш зарурати бор. Мазкур йўналишда тадқиқотлар олиб бориш ва вояга етмаганлар жиноятчилиги ва ҳуқуқбузарлигини олдини олиш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ва махсус профилактик тадбирларни ўтказиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқот доирасида ижтимоий-профилактик йўналишга асосланган тадбирлар мақсади салбий ҳолатларнинг олдини олишга, уларнинг вужудга келишини бартараф қилишга қаратилди. Мазкур йўналишнинг моҳияти давлат, жамият, муайян ижтимоий педагогик муассаса томонидан ўтказиладиган ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ташкилий, ҳуқуқий, тарбиявий аҳамиятга молик бўлган тадбирлар тизими бўлиб, улар девиант хулқнинг пайдо бўлишига тўсқинлик қилишга, уни минималлаштиришга, бартараф қилишга қаратилади [7].

Шунингдек, вояга етмаганлар жиноятчилигини таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, рецидив жиноятчиларнинг аксарияти ўспиринлик ёшида жиноятга қўл уришади. Агар бугун биз вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик олдини олмасак, уни камайтирмасак, эртага умумий жиноятчиликнинг ошишига сабаб бўлади. Таҳлил рақамларга эътибор берсак, сўнги вақтларда 16–18 ёшлиларга қараганда 14–15 ёшлилар ўртасида ҳуқуқбузарлик содир этиш, жиноятга қўл уриш ҳоллари кўпаймоқда, бу аянчли ҳолат албатта.

Шунингдек, бир қатор олимлар (Б.Г. Ананьев, М.Г. Давлетшин, И. И. Илёсов, Э.Ғозиев)нинг фикрича, "...ўспирин 17-19 ёшда ҳам ўз хулқи ва билиш фаолиятини онгли бошқариш имкониятига эга бўлмайди ва шунга кўра хулқ мотивларининг



асосланмагани, узоқни кўролмаслик, эҳтиётсизлик каби ҳолатлар рўй беради ва бунда оила асосий ролни ўйнайди” [13]

Тадқиқот давомида ҳудудларда вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликларни содир этиш сабаб ва шароитлари ўрганилганда, уни келтириб чиқарувчи бир неча омиллар мавжуд эканлиги аниқланган. Жумладан, оиладаги носоғлом муҳит; болаларнинг етарли даражада назорат қилинмаслиги; иқтисодий етишмовчиликлар; ўқимайдиган вояга етмаганларнинг узоқ вақт мобайнида муайян фойдали машғулот билан шуғулланмаслиги; катта ёшдаги жиноятчилар томонидан ҳуқуқбузарликларга ва турли ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиниши; зўрлик ишлатишлар тасвирланган турли видеофильмларнинг таъсири; ҳаётдаги омадсизликлар ва ахлоқий эътиқодларнинг турғун эмаслиги; руҳий ҳолатдаги айрим ўзгаришлар; оммавий маданиятнинг салбий таъсири; айрим ҳаракатлар ва ҳодисаларга нисбатан романтик қарашлар ҳамда шундай ҳаракатларни содир этишга мойилликнинг кучайишидир.

Юқоридагилардан хулоса қилган ҳолда, вояга етмаганлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг бу борадаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш зарур. Соҳа ходимлари бундай ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда омилларини аниқлаш учун оилалар, таълим муассасалари, маҳалла билан яқин ҳамкорликда, комплекс тарзда чора тадбирлар ва профилактик иш олиб боришлари лозим деб ҳисоблаймиз.

References:

1. Шоназаров У. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар тушунчасининг назарий таҳлили.2021. file:///C:/Users/User/ Downloads/Юриспруденция 2021_39.pdf.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2833-сон қарори
3. Ҳамроев Э. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий турлари.2014. <https://jizzax.adliya.uz/main/uz/publikatsii/detail.php?ID=9787> (мурожаат санаси 20.09.2023)
4. Исмаилов И., Зиёдуллаев М.З. Ички ишлар органлари таянч пунктларида профилактика инспекторларининг фаолияти ва ҳамкорлигини ташкил этиш: Ўқув-амалий қўлланма. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 130 Б. (254);
5. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддаси
6. Алтиев Р. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва унинг юридик таркиби. 2011. <https://library.samdu.uz/download/6092> (мурожаат санаси 20.09.2023)
7. Зарипов Ф.М. Ўқувчилар ҳуқуқбузарликлари ва жиноятчилиги профилактикасига оид моделнинг амалиётга татбиқ қилиниши. Замонавий таълим / Современное образование 2020, 2 (87). file:///C:/Users/User/ Downloads/uvchilar-u-u-buzarliklari-vazhinoyatchiligi-profilaktikasiga-oid-modelning-amaliyotga-tatbi-ilinishi.pdf (мурожаат санаси 20.09.2023й)



8. Эшмуродов Э. Вояга етмаганлар ўртасида содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг назарий ва амалий муаммолари.. Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations Issue -1, №01 (2020) / ISSN 2181-1415. Б-347
9. Сувоқулов С., Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш. 2022. <https://nor.uz/?p=15460.28014> (мурожаат санаси 18.09.2023)
10. Ҳамроев Э. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий турлари. 2014. <https://jizзах.adliya.uz/main/uz/publikatsii/detail.php?ID=9787> (мурожаат санаси 20.09.2023)
11. Дастур ФЗ-2016-0910202206 – давлат қайд рақами билан рўйхатдан ўтган Т.Н. Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика илмий-тадқиқот институтида амалга оширилаётган “Вояга етмаганлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчиларни тарбиялашнинг ижтимоий-педагогик технологиялари” мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган
12. Алемаксин М.А. Психолого-педагогические проблемы предупреждения педагогической запущенности и правонарушений несовершеннолетних. – Воронеж, 1982. – С. 94.
13. Сайлиев Б. Оилада вояга етмаган ёшлар билан ишлашни тизимли ташкил этиш - ҳуқуқбузарликларни олдини олишнинг муҳим омили. Academic Research in Educational Sciences.2020. <file:///C:/Users/User/Downloads/oilada-voyaga-etmagan-yoshlar-bilan-ishlashni-tizimli-tashkil-etish-u-u-buzarliklarni-oldini-olishning-mu-im-omili.pdf> (мурожаат санаси 20.09.2023 й)